

II. Юқоридаги бошқаришнинг мақсад ва вазибаларига асосланган ҳолда активлар сифат ва миқдор жиҳатдан оптималлаштирилади.

III. Активлар таркибини оптимал бошқаришнинг юқоридаги йўналишлари бошқаришнинг умумий тамойилларига асосланса мақсадга мувофиқ бўлади.

Саноат корхоналарида активларни бошқариш тизимининг таркибий элементи сифатида активлар менежменти маълум тамойиллар ва

функционал элементларга асосланади. Активларни бошқариш тамойиллари молиявий менежментнинг умумий тамойиллари базасида тизимлаштирилиб, умумий бошқарув гоёси ва идеологиясини ёки стратегик мақсадларни рўёбга чиқариш йўналишлари билан уйғунлаштирилади. Айланма активлар айланиш тезлиги корхоналар сотиш сиёсати самарадорлиги ва рентабеллигига билвосита ва бевосита таъсир этиш имкониятларига эгадир.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон.
2. https://en.wikipedia.org/wiki/Asset_management.
3. [file:///C:/Users/Hp/Downloads/upravlenie-aktivami-promyshlennogo-predpriyatiya-analiz-ego-effektivnosti%20\(1\).pdf](file:///C:/Users/Hp/Downloads/upravlenie-aktivami-promyshlennogo-predpriyatiya-analiz-ego-effektivnosti%20(1).pdf)
4. Markowitz H.M. Portfolio selection. New Haven, Conn.: Yale Univ. Press, 1959. 344 p.
5. Шохина Е. И. Корпоративные финансы: учебник / коллектив авторов. – М.: КноРус, 2016. - 318 с.
6. <http://iqtisodiyot.tsue.uz/sites/default/files/maqolalar/Khonkeldiyeva.pdf>
7. "ISO 55000:2014 - Asset management -- Overview, principles, and Terminology". International Organization for Standardization. Retrieved August 21, 2019.
8. "Управление Активами" Национальная система стандартов: Общее представление, принципы и терминология. ГОСТ Р 55.0.01—2014/ИСО 55000:2014. – М.: Стандартинформ, 2015- с.2 (18 с.)
9. Алексеева А.И. Комплексный экономический анализ хозяйственной деятельности. М.:КноРус, 2016. 382 с.
10. Беспалов М.В., Абдукаримов И.Д. Финансово-экономический анализ хозяйственной деятельности коммерческих организаций. – М.: Инфра-М, 2016. 336 с.
11. Ковалев В.В. Финансовый менеджмент. Теория и практика. – М.: Проспект, 2016. 439 с.
12. Морозко Н.И. Финансовый менеджмент. – М.: Инфра-М, 2016. 544 с.
13. Музалёв С.В. Комплексный экономический анализ финансово-хозяйственной деятельности предприятия. – М.: Инфра-М, 2015. 349 с.



АУДИТОРЛИК ТАШКИЛОТИ ИШИ СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Авлоқулов Анвар Зиядуллаевич -
ТМИ профессори, и.ф.д.

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a20

Аннотация. Мақолада аудиторлик ташкилоти иши сифатининг моҳияти ва аҳамияти тадқиқ қилинган. Тадқиқотлар натижасида аудиторлик ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: аудит, аудиторлик ташкилоти, аудит иши сифати, аудиторлик рисқи, ички назорат тизими, аудитнинг умумий режаси, аудит дастури.

НАПРАВЛЕНИИ КОНТРОЛЯ РАБОТЫ АУДИТОРСКОЙ ОРГАНИЗАЦИИ

Авлоқулов Анвар Зиядуллаевич -
д.э.н., профессор ТФИ

Аннотация. В статье исследовано сущность и значение качества работы аудиторской организации. В результате исследования были разработаны предложения по повышению качества услуг, предоставляемых аудиторскими организациями.

Ключевые слова: аудит, аудиторская организация, качество аудиторской работы, аудиторский риск, система внутреннего контроля, общий план аудита, программа аудита.

DIRECTION OF CONTROL OF THE WORK OF THE AUDITING ORGANIZATION

Avlokulov Anvar Ziyadullayevich -
Professor, DSc TFI

Abstract. In the article researched the essence and significance of the quality of the work of an audit organization. As a result of the study, proposals were developed to improve the quality of services provided by audit organizations.

Keywords: audit, audit organization, quality of audit work, audit risk, internal control system, general audit plan, audit program.

Кириш. Мамлакатимизда инвестицион фаолликнинг жадал ривожланиши, корпоратив бошқарув принциплари тўла-тўқис жорий этилиши учун халқаро талабларни ҳисобга олган ҳолда акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тизими самарадорлигини ошириш, шунингдек, уларнинг инвестиция жараёнлари ҳамда иқтисодийдаги таркибий ўзгаришларни амалга оширишда кенг иштирокини таъминлаш бугунги кунда долзарб масалалардан биридир. Бозор муносабатларининг шаклланиши ва корпоратив бошқарувнинг ривожланиши натижасида турли мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятини самарали ташкил этиш ва уларга профессионал аудиторлик хизматлари кўрсатишни такомиллаштириш бугунги кунда долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Аудиторлик хизматларини кўрсатишда унинг сифатини ошириш муҳим ҳисобланади. Аудит иши сифати қанчалик юқори бўлса аудиторлик rischi шунчалик паст бўлади. Шу боисдан аудиторлик ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифатини ошириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва иқтисодий адабиётларда аудит иши сифати назоратининг моҳиятини очиб беришга оид кўплаб қарашлар мавжуд.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 февралдаги “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонунининг 46-моддасига биноан “аудиторлик ташкилоти иши сифатининг ташқи назорати ваколатли давлат органи аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари билан биргаликда амалга оширадиган, аудиторлик ташкилотлари томонидан ушбу қонун талабларини ва аудиторлик фаолияти стандартларини бузишларни аниқлашга ҳамда келгусида уларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар тизимидан иборатдир” [1].

Бир гуруҳ иқтисодчи олимлар фикрича, “аудит сифатига бир нечта омиллар таъсир қилиши мумкин. Мазкур омиллар молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги тўғрисида оқилона ишонччи билдириш учун тузиладиган “аудиторлик хулосаси” га бевосита таъсир қилиши мумкин” [2].

Х.Шахибах, Б.Хариади, З.Баридван фикрича, “аудит сифатига тегишли ахлоқий меъёрлар ва мустақилликдан иборат сифат назорати тизимининг элементларини қўллаш орқали эришиш мумкин. Профессional мушоҳада эса аудит иши сифатини оширишга хизмат қилади” [3].

Россиялик иқтисодчи олимлар Т.Шешукова ва М.Городилов “Аудит сифати тушунчаси бугунги кунда нафақат амалиётда, балки назорат ва аудит назариясида ҳам кенг муҳокама қи-

линаётган муаммолардан биридир” деб таъкидлаганлар [4].

Баъзи иқтисодчи олимларнинг фикрича, “Агар аудит режалаштирилган ҳамда аудиторлик фаолиятининг умумий қоидаларига асосан ўтказилган бўлса, у сифатли ҳисобланади” [5].

Аудитор иши сифатини назорат қилиш қоида ва принципларини ҳар бир аудиторлик ташкилоти ишлаб чиқиши лозим. Бу борада иқтисодчи олимлар А.Вахабов, А.Ибрагимов ва Н.Ризаев томонидан шундай фикр билдирилган: “Ҳар бир аудиторлик ташкилоти иш сифати устидан назорат қилиш принциплари ва қоидаларини, шунингдек, улардан фойдаланиш жараёнларини ишлаб чиқиши ва қабул қилиши лозим” [6].

Тадқиқотларда аудит иши сифатининг моҳияти ёритиб берилган бўлса-да, бироқ аудиторлик текширувлари босқичларида аудитор иши сифатини назорат қилиш тадбирлари ишлаб чиқилмаган.

Тадқиқот методологияси. Аудит иши сифатини назорат қилиш қоидалари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган. Аудиторлик ташкилотларида аудит иши сифатини назорат қилишни халқаро стандартлар асосида ташкил этиш аудитнинг илмий-методологик аппаратини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Таҳлил ва натижалар. Аудиторлик фаолияти соҳасидаги муаммоларни бартараф этиш, мустақил аудит тизимини ривожлантириш, аудиторлик хизматлари сифатини ошириш, аудиторлик ташкилотлари фаолиятини бошқаришнинг самарали усулларини татбиқ этиш, уларнинг аудиторлик текшируви натижалари учун жавобгарлиги ва аудиторлик текширувларининг ҳолислигини ошириш, тадбиркорлик субъектларининг уларга бўлган ишонччи ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3946-сон “Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди. Ушбу Қарор аудиторлик ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифатининг янада ошишига олиб келмоқда.

Аудиторлик хизматлари бозори кенгаётган ва аудиторлик ташкилотлари фаолияти такомиллашаётган ҳозирги шароитда нафақат аудитнинг сифатини таъминлаш, балки унинг мунтазам равишда ривожланиб боришига эътибор қаратиш лозим. Аудит иши сифатини назорат қилиш текширувнинг барча босқичларида амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир. 1-расмда аудиторлик текширувлари босқичларида қўлланиладиган аудит амалларининг моҳияти келтирилган.

Таъкидлаш жоизки, аудиторлик текшируви ҳар бир босқичи охирида аудитор иши сифатининг назорати амалга оширилади. Текширув давомида белгиланган вазифаларнинг аудитор ва аудитор ёрдамчилари томонидан амалга оширилиши назорат қилинади. Текширув давомида аудитор ёки аудитор ёрдамчиси белгиланган вазифаларни нотўғри амалга оширишса ёки амалга оширмаса, улар текширувдан четлаштирилиши мумкин. Мазку ҳолат бўйича қарор аудиторлик гуруҳи раҳбари томонидан қабул қилиниши мумкин.

Аудитор иши сифатини назорат қилиш аудитнинг мақсади ва амаллари самарали экан-

лигига ишонч ҳосил қилиш мақсадида ўтказилади. Бунинг учун қуйидагилар амалга оширилади:

-аудитор иши сифатини назорат қилишда умумий талабларга риоя қилинганлигини текшириш;

-аудит стандартларига риоя этиш даражасини баҳолаш;

-аудит иши сифатини назорат қилиш натижаларини муҳокама қилиш, бу борадаги камчиликларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

-камчиликларни бартараф этиш юзасидан аудит дастури ва текширув услубига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.



1-расм. Аудиторлик текширувлари босқичларида аудитор иши сифатини назорат қилиш тадбирлари

Манба: Муаллиф томонидан тузилган.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг барқарор ривожланиши, молиявий ҳолатининг яхшиланиши кўп жиҳатдан уларда мавжуд бўлган ички назорат тизимига боғлиқ. Ички назорат тизими такомиллаштириш, ривожланиш усуллари асослаш ва амалга ошириш ҳамда хўжалик юритувчи субъект молия-хўжалик фаолиятига салбий таъсир этувчи омилларни аниқлашни ўз ичига олувчи доимий жараёни ўз ичига олади.

Аудиторлик текширувини ўтказишда аудитнинг сифати ва самарадорлиги муҳим ўрин тутди. Бунинг учун, аввало, аудитор текшириляётган мижоз хўжалик юритувчи субъект-

нинг ички назорат тизими ҳолатини муфассал ўрганиши лозим. Чунки ички назорат тизими аудиторлик riskига бевосита боғлиқ бўлиб, текшириш жараёнида аудитор riskни мақбул бўлган паст даражагача камайтириш аудиторлик амалларини қўллаш орқали ички назорат тизими ҳолатига баҳо бериши керак.

Ички назорат ҳақида гап кетганда шунга эътибор бериш керакки, у фақатгина аниқ мақсадга эришиш учун йўналтирилгандагина фойдали ҳисобланади ва назорат натижаларини баҳолашдан олдин, ушбу мақсадларни аниқлаш лозим. Ички назоратнинг асосий мақсади қуйидагиларда ўз аксини топади:

- ишончилилик ва ахборотнинг тўлиқлиги;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мос келиш;
- ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш;
- хўжалик юритувчи субъект бўлимларини мўйян мақсадга эргаштириш.

Ички назорат тизимини баҳолашнинг мақсади аудиторлик текшируви даври ва кўламини тўғри белгилаб олиш ҳисобланади. Айнан ички назорат тизимига тўғри баҳо бериш орқали хўжалик юритувчи субъект фаолиятини текшириш дастури тўғри белгиланиши мумкин. Бундан ташқари ички назорат тизимига баҳо бериш ёрдамида аудиторлик ташкилоти хўжалик юритувчи субъект фаолиятини такомиллаштириш бўйича маслаҳат бериши мумкин.

Текширув вақтида аудитор мос келадиган аудиторлик амалларининг моҳияти, кўлами ва унга сарфланган харажатларни аниқлаш учун назорат воситаларини ўрганиши ва тўғри баҳолаши мақсадга мувофиқдир. Алоҳида таъкидлаш жоизки, ички назорат тизимининг кўлами ва хусусиятлари, шунингдек, унинг шаклланиш даражаси хўжалик юритувчи субъектнинг кўлами ва унинг фаолияти хусусиятларига мос келиши зарур.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 25 февралдаги “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонуни. www.lex.uz
2. Seyed Mahmoud Hosseinniakani, Helena Inacio, Rui Mota. A Review on Audit Quality Factors. //International Journal of Academic Research in Accounting, Finance and Management Sciences Vol. 4, No.2, April 2014, pp. 243–254
3. Khansa Shahibah, Bambang Hariadi, Zaki Baridwan. The effect of quality control system on audit quality: Professional skepticism as the moderator variable. //International journal of research in business and social science 9(4)(2020) 419-425
4. Шешукова Т.Г., Городилов М.А. Аудит: теория и практика применения международных стандартов: Учеб. пособие. - 2-е изд., доп. – М.: Финансы и статистика, 2005. - 184 с.
5. Жарылгасова Б.Т., Суглобов А.Е. Международные стандарты аудита. Учебное пособие.-3-е изд. –М.: КНОРУС, 2007. -400 с.
6. Вахобов А.В., Ибрагимов А.К., Ризаев Н.Қ. Тижорат банклари ташқи аудитида халқаро молиявий ҳисобот стандартларини жорий этиш методологияси. Монография. – Т.: Молия, 2011. -188 б.



AVTOMOBIL TARANSPORTI KORXONALARI XARAJATLARINI HISOBGA OLIHDA ULAR TASNIFLANISHINING AHMIYATI

G'anibayev Ilxomjon Shokiraliyevich -
Farg'ona politexnika instituti
“Buxgalteriya hisobi va audit” kafedrasini
katta o'qituvchisi

[doi:https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a21](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss6/a21)

Annotatsiya: Maqolada avtomobil transporti korxonalari, xarajatlar, avtomobil transport korxonasi xarajatlari, xarajatlarni tasniflanishi, xarajat moddalari, xarajat elementlari, o'zgaruvchan va doimiy xarajatlar, bevosita va bilvosita xarajatlar, xarajatlarni tan olish, avtomobil transporti korxonalarida ko'rsatilayotgan xizmatlar tannarxi, mahsulot tannarxini kalkulyatsiya qilish, boshqaruv hisobi, moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari, xarajatlarni hisobga olishda ularning tasniflanishining ahamiyati yoritilgan.

Kalit so'zlar: avtomobil transporti, xarajatlar, xarajatlarning tasniflanishi, xarajatlar hisobi, ko'rsatilgan xizmatlar tannarxi, boshqaruv hisobi, moliyaviy hisobotning xalqaro standartlari.